

# Халқ сўзи



2012 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 14 июль, № 138 (5558)

Шанба

## ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авалло, сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги тарихида янги саҳифа бўлиши 7 миллион 170 минг тонналик улкан ғалла хирмони бунёд этиб, юксак меҳнат ғалабасини кўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Дунёда нон деган шундай тенгсиз ва буюк бир бойлик, улуг ва табарухи бир неъмат борки, унинг баҳоси, қадр-қиммати ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди.

Азал-азалдан тўқчилик, аввало, кўзининг, кўнгилнинг тўқлиги, дастурхон тўқиллиги, рўзгорнинг қут-баракаси бугдўйнинг, ноннинг сероблиги билан белгилаб келинади, десак, ҳаётий ҳақиқатни айтган бўламиз.

Эр юзидаги барча халқлар ва мамлакатлар ўзининг фаровонлиги, осойишта ва бехатар ҳаётини, эзгу орзу-ниятларини, биринчи навбатда, шу азиз неъмат тимсолида тасаввур қилиши бежиз эмас, албатта.

Муҳтарам юртдошлар!

Олижаноб, заҳматкаш деҳқонларимиз, том маънода, улкан зафарни кўлга киритган мана шундай хурсандчилик кунда, табиийки, ўз донимиз, ўз беминнат нонимизга эга бўлиш мақсадида босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўлимизни яна бир бор беҳтиёр ҳаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч кимга сир эмас, яқин ўтмишда ўлкамиз ўз эҳтиёжини қондириш учун кимларгадир ялиниб, катта-катта маблағлар эвазига донни четдан келтиришга мажбур эди.

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам бериш, юртимизда пахта яққақимлиги-га чек қўйиб, ғаллачилик тармоғини замонавий асосда ривожлантиришни ўз олдимизга устувор, ҳал қилувчи вазифа қилиб қўйдик.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ватанимиз ғалла мустақиллигини кўлга киритиб, нафақат ўттиз миллионли халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаш, айна пайтда четга дон экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олишга эришгани учун, шундай ёруғ кунларга ет-

казгани учун барчамиз Яратганимизга шукроналар айтишимиз табиийдир.

Мустақиллик йилларида айнан ғаллачилик соҳасида эришган ютуқларимизни баъзи бир рақамлар мисолида ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, биз эришган натижалар дунёдаги манаман деган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортиши шубҳасиз, деб ўйлайман. Агарки 1991 йилда республикамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда жамғарилган ғалла хирмони 7 баробардан зиёд, ҳосилдорлик эса 3 қарра ошганининг ўзи бизнинг қийслаш ҳам қийин бўлган қандай юксак марраларга эришганимизни аққол тасдиқлайди.

Бугун кўпчиликнинг эътирофи-га сазовор бўлаётган ана шундай юксак марраларга қандай омил ва мезонлар ҳисобидан эришаётганимизни таҳлил қилар эканмиз, юртимизда яшайдиган, нон деган бебаҳо неъматдан ҳар кунчи баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон бу ҳақда хабардор бўлишини истардим.

Афсуски, биз кўпчанча кундали юмшлар билан банд бўлиб, кўлга киритган натижаларимизни худдики ўз-ўзидан бўлган табиий бир ҳол, деб қарашга ўрганиб қолганмиз.

Аслида эса бундай ютуқларимиз замирида, аввало, деҳқон ва фермерларимиз, механизаторларимизнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, селекционер ва олимларимизнинг билим ва тажрибаси, барча кишлоқ хўжалиги мутахассисларининг неча йиллар давомида ягона бир мақсад йўлида қатъият ва сафарбарлик намунасини кўрсатиб қилган вилоятларимиз, ташаббускорлик ва изланувчанлик фазилатлари мужассам бўлиб, бунинг учун уларга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Биргина селекция соҳасини оладиган бўлсак, янги ғалла навларини етиштириш, уларни юртимизнинг тупроқ, иқлим ва сув шароитига мослаштириш, турли касалликларга чидамлик хусусиятларини ошириш учун қанча сабр-тоқат, қанча билим ва маҳорат, ўз ишининг на-

тижасига қандай катта ишонч бўлиши керак.

Айни вақтда ғаллачиликда уч-райидиган турли касалликлар — бу занг, қорақуя ёки хасва бўлади-ми, чигиртка балоси ёки бошқа зараркунанда ҳашаротлар бўлади-ми — барчасидан кечаю кундуз оғоҳ бўлиб, уларга қарши ўз вақтида чора кўриш, ҳар туп кўчат атрофида парвона бўлиб, меҳр билан парвариш қилиш ҳисобидан мўл ҳосил етиштириш қанча-нча меҳнат, куч-гайрат талаб қилишини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

**Шу борада ғаллачилик соҳасида мамлакатимизда замонавий илм-фан ютуқлари ва халқимизнинг қадимий деҳқончилик маданияти асосида ўзига хос агротехника мактаби шаклланиб, бугунги кунда ўзининг юксак самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Барчамизга маълумки, бу йилги баҳорнинг серёгин келиши оқибатида намлик даражасининг меъёридан ортқ бўлиши ғалла кўчатларининг чириб кетиши хавфини туғдирди. Бу хавфнинг олдини олиш мақсадида, ота-боболаримизнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, **ғалла кўчатларини маҳаллий ўғит билан озик-лантиришга алоҳида эътибор қаратилди.** Бунинг учун жами 10 миллион 200 минг тонна маҳаллий ўғит тўпланиб, **ҳар гектар майдонга ўртача 9 тоннадан ўғит берилди.** **Натижада нисбатан қисқа мuddат — уч ой мобайнида ғалланинг ривожини беш ойлик даражага етказиб олиш имкони туғилди.**

Ана шундай ва бошқа агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш туфайли барча вилоятларимиз, жумладан, намлик даражаси, айниқса, юқори бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳам шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этишга эришдилар.

Бу борада кейинги йилларда кишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, фермер хўжалиқларига берилётган имтиёзли кредитлар, уларга минерал ўғит, сифатли уруғлик, ёқилги-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш

зиб бериш бўйича яратилган комплекс тизимнинг самарали ишлаётгани бугунги ғалабага пухта замин бўлганини таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаёт синовларида тобланган, тупроқ билан тиллашиб яшайдиган деҳқон-ларимизнинг азму шижоати, ишни тўғри ташкил этиши ҳисобидан ўртача ҳосилдорлик Андижон вилоятида 62,2 центнерга, Бухоро ва Фарғона вилоятларида 58 центнерга, Самарқанд вилоятида 55,4 центнерга, Қашқадарё вилоятида 55 центнерга, Тошкент вилоятида 54 центнерга етганини мамнуният билан қайд этамиз.

Бу кўрсаткич Олтинқул, Пахтаобод, Избоскан, Вобкент, Пешку, Гиждувон, Косон, Нишон, Касби, Учқўрғон, Иштихон, Пастдарғом, Олтиариқ, Қува, Денов, Пискент, Оққўрғон, Дўстлик, Хатирчи, Боёвут туманларида 60-68 центнердан юқори бўлгани, айниқса, таҳсинга муносибдир.

Пахтачи туманидаги “Хушанов даласи” ва Олтиариқ туманидаги “Сожида Жўраева” фермер хўжалиқларида ўртача ҳосилдорлик 97 центнерга, Вобкент туманидаги “Янгикент жилоси” ва Иштихон туманидаги “Жаф” фермер хўжалиқларида 87 центнерга, Олтинқул туманидаги “Латифжон ери” ва Денов туманидаги “Мавлуда Исмоилова” фермер хўжалиқларида 85 центнерга, Бухоро туманидаги “Аборр Гайбулла” фермер хўжалиғида 81 центнерга, Қуйи Чирчиқ туманидаги “Акбархон Баҳодирхон” фермер хўжалиғида 80 центнерга етгани деҳқончилигимиз тарихида илгари мутлоқ учрамаган юксак кўрсаткич сифатида одамни ҳайратга солиши табиийдир.

**Энг асосийси, юртимизда етиштирилган жами ҳосилнинг 60 фоиздан кўпроғи, яъни 4 миллион 347 минг тоннаси фермер хўжалиқлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилгани деҳқонларнинг оморлари донга, рўзгорлари кут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёркин далилидир.**

Табиийки, буларнинг барчаси далада ишлайдиган одамларнинг, кишлоқ аҳлининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга

қаратилган, узокни кўзлаб амалга ошираётган ишларимизнинг изчил давоми сифатида барчамизга мамнуният бағишлайди.

**Бугунги кунда фермер нафақат деҳқон, айни пайтда ҳам агроном, ҳам иқтисодчи, ҳам меҳанизатор, ҳам ташкилотчи сифатида ўзлигини намойён этаётгани,** фермерлик ҳаракати кишлоқ ҳаётининг оғир юқини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи ижтимоий куч бўлиб майдонга чиқаётгани бизнинг бу соҳада ўз олдимизга қўйган пировард мақсад йўлида қатъият билан бораётганимиздан далolat беради.

**Фурсатдан фойдаланиб, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган фермерлик ҳаракати ривожини бугун замон талаб қиладиган янги босқичга кўтариш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи бундан бунён ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлишини яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.**

Азиз дўстлар!

Бугунги шодиёна кунда сиз, заҳматкаш ғаллакорларни, бу улкан ютуққа муносиб ҳисса қўшган меҳанизатор ва комбайнчиларни, мутахассисларни, барча кишлоқ меҳнаткашларини бағримга босиб, чин қалбимдан табриқлайман. Дала ишларини мана шундай гайрат-шижоат билан давом эттириб, пахтачилик, сабзавотчилик, чорвачилик, бодорчилик ва бошқа соҳалар бўйича ҳам юксак натижаларга эришиб, йилни ёруғ юз билан якунлайсиз, деб ишонманам.

**Фидокорона ва олижаноб меҳнатингиз учун, мардлик ва матонатингиз учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.**

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлмаган, қадрдонларим!

Хонадонларимиздан файзу барака, эл-юртимиздан тинчлик-осойишталик аримасин!

Азиз ва муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва фидойи халқимизни Яратганимиз доимо ўз паноҳида асрасин!

**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

### Дил сўзи

Бугун ижтимоий ҳаётимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Президентимиз раҳнамолигида “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли бошқаруving ушбу муҳим бугунги фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, ваколатлари тобора кенгайиб бораётир.

## Рағбат фаолликка ундайди

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 июлда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада рўёбга чиқарилаётган ислохотларнинг мантқий давомига айланади, барчамизнинг кўнгилларини тоғдек кўтарди. Бойси у фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг хонадонларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, маҳалларимизни янада обод қилиш борасидаги фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган. Ўз навбатида, мазкур Фармон соҳа ходимларининг камтарона меҳнати, жамиятда барқарорлик ва тотувлики таъминлашга қўшаётган ҳиссасига берилган юксак рағбатдир.

Айни пайтда маҳалламизда 2300 га яқин аҳоли фаровон ҳаёт кечирмоқда. Хонадонларимиз обод, маҳалладорларимиз турмуши фаровон. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Пировардида ҳозирги кунга қадр аёллар ва вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш, қўзларни эрта турмушга бериш ҳолатлари қайд этилмади. Энг муҳими, оила-лар тинчлиги ва фаровонлиги таъминланиб бориломоқда.

Шу билан бирга, “Мустахкам оила йили” Давлат дастури асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширдик. Бу борада худудимиздаги фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган. Ўз навбатида, мазкур Фармон соҳа ходимларининг камтарона меҳнати, жамиятда барқарорлик ва тотувлики таъминлашга қўшаётган ҳиссасига берилган юксак рағбатдир.

Айни пайтда маҳалламизда 2300 га яқин аҳоли фаровон ҳаёт кечирмоқда. Хонадонларимиз обод, маҳалладорларимиз турмуши фаровон. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

(Давоми 2-бетда).

### Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдида

Тошкентдаги Турин политехника университети спорт мажмуасида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб аёллар спорт фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

## Баркамоллик омили

“Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” шiori остида ўтган мазкур спорт байрами Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдурахимова, Турин политехника университетининг биринчи проректори Қ. Шарипов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, синхрон сузиш бўйича халқаро мусобақалар совриндори Ш. Зоҳидова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон омилига устувор аҳамият қаратишга оид кенг қўламли

ислохотлар жараёнида хотин-қизларни эъозлаш, улар саломатлигини асраш, яшashi, таълим олиши, муносиб ҳаёт кечирishi, меҳнат қилиши учун зарур шароит яратишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, миллатимизни янада соғломлаштириш, хотин-қизларни оммавий спортга кенг жалб этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ёш тадбиркорларга мадақкор бўлаётган банк

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ банк тизимини ривожлантиришга, унинг иқтисодийнинг локомитив сифатида намойён бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### Эътироф

Айниқса, ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбарининг банк-молия соҳасига оид устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлари мазкур тизимни янада равнақ топтириш йўлида муҳим ҳуқуқий-ташкилий асос бўлиб хизмат қиладир.

Хусусан, бугун Ўзбекистонда 30 та тижорат банки ва худудларда 9 мингдан зиёд тарихий бўлиналари, яъни филиаллари, минибанклари ва бошқа турдаги чакана хизмат шохоб-

чалари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу мамлакатимиз банкларининг аҳоли ва ишлаб чиқариш худудларига кириб бориш даражаси бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганидан далolatдир.

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида ташкил этилган “Микрокредитбанк” қисқа давр ичида юртимиз молия бозорига ўзининг муносиб ўрнини топиб, самарали фаолият юритиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Фидокорона ва олижаноб меҳнат самараси

Мамлакатимиз ғаллакорлари 7 миллион 170 минг

тонналик улкан хирмон бунёд этиб, юксак меҳнат ғалабасини кўлга киритдилар.



Деҳқон ва фермерларимиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида эришган бу юксак натижа истиқлолимизнинг 21 йиллик байрамига муносиб тўхфа бўлди.

Тобора юксалиб бораётган бугдўй хирмониға боқиб, қалбинг фахр-ифтихорга тўлади. Нечун қувонмайлик?! Ахир ўтган қисқа давр ичида ўз донимиз, беминнат нонимизга эга бўлдик. Бир пайтлар республикамиз аҳолиси эҳтиёжини учун зарур бўлган ғалла катта миқдордаги жами меҳнат савалюта ҳисобига марасини йўққа га четдан олиб чиқариши ҳеч келинган бўлса, эндиликда заминимизда етиштирилаётган ҳосил эвазига ички эҳтиёжimiz тўлиқ таъминланиб, унинг бир қисми, ҳатто, экспорт қилинаётир. Кўлга киритилган ушбу муваффақият замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона ислохотлар, хусусан, кишлоқ хўжалиғидаги туб бурилишлар ер ҳақиқий эгаларига берилиб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани, деҳқонларнинг меҳнати қадрланаётгани мужассам, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ерга уруғ селиб, мўл ҳосил

олишининг ўзига яраша машаққатлари бор. Она замин билан тиллашган, ҳар бир ниҳолни фарзандидек меҳр бериб парваришлаган фидойи деҳқонгина бунинг урдасидан чиқади. Айниқса, жорий мавсумдаги ноқулай об-ҳаво шароитида озгина эътиборсизлик ҳам жами меҳнат самарасини йўққа га четдан олиб чиқариши ҳеч келинган бўлса, эндиликда заминимизда етиштирилаётган ҳосил эвазига ички эҳтиёжimiz тўлиқ таъминланиб, унинг бир қисми, ҳатто, экспорт қилинаётир. Кўлга киритилган ушбу муваффақият замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона ислохотлар, хусусан, кишлоқ хўжалиғидаги туб бурилишлар ер ҳақиқий эгаларига берилиб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани, деҳқонларнинг меҳнати қадрланаётгани мужассам, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ерга уруғ селиб, мўл ҳосил

Дарҳақиқат, бу йил ғалла етиштириш осон кечмади. Қўкламнинг серёгин келиши, айрим жойларда дўл ва сел каби табиий офатлар юз бериши деҳқонларни яна бир бора синовдан ўтказди. Соҳага илм-фан ютуқларига асосланган янги агротехнологиялар татбиқ этилгани, айниқса, тажрибали деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли шундай мураккаб вазият мардонавор енгиб ўтилиб, мўлжалдаги ҳосилни тўплашга эришилди.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).



Молия муассасаларида



Ҳамкор ва кўмакдош

Бу жараёнда фаол иштирок этаётган "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг мижозлари фаолияти бунинг яққол далилидир. Гап шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган мазкур банкининг 37 та филиали ва 121 минибанки орқали 70 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларига намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Натигада 2012 йилнинг 6 ойи давомида ажратилган жами 340,1 млрд. сўм миқдоридagi кредит маблағларининг 220,9 млрд. сўми кичик бизнесга йўналтирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 1,3 баробарга кўдир. Энг муҳими, 3511 тадбиркорлик субъектида ушбу сармоядан унумли фойдаланилиб, 5029 та иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, банк томонидан кичик бизнес соҳасига ажратилган микрокредитлар ҳақми 1,4 баробарга оширилиб, жами 48,9 млрд. сўмга етказилгани диққатга сазовордир.

Таъкидлаш керакки, бугунги бозор иқтисодиёти

Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити тўғрисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлиги таъминловчи етакчи кучга айланди. Айниқса, кўрсатилаётган молиявий хизматлар қўламини кенгайтириш инвестициявий лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имконини берапти.

шароитида ишлаб чиқаришга илғор технологиялар ва инновация шиланмаларни татбиқ этмасдан туриб рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Шу боис банк томонидан микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг шундай лойиҳаларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар ва микрокредитлар ажратиши кўпайтириш мақсадида имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари 9 млрд. сўмга оширилди. Пировардида жорий йилнинг биринчи ярмида жамғарма маблағлари ҳисобидан 2 млрд. сўм миқдоридa кредитлар ажратилди.

Банкинг молиявий мадади билан тадбиркор аёллар фаолияти ҳам тобора ривожланиб борапти. Жумладан, 2012 йилнинг 6 ойи давомида 423 нафар тадбиркор аёлга жами 18,9 млрд. сўм миқдоридa кредитлар ажратилгач, уларнинг фаолияти кенгайиб, 542 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2012 йилнинг ўтган даврида юздан ортиқ ёш оилаларга 2,7 млрд. сўм миқдоридa микрокредитлар ажратилдики, бу мустақил ҳаётга энди қадам ташлаётган ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга катта туртки бўлмоқда. Қолаверса, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1688,0 млн. сўм миқдоридa микрокредитлар йўналтирилди.

Касб-хўнар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, бизнес фаолиятини бошламоқчи бўлганларнинг кредит олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида банкинг ўз маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича янги хизмат турлари жорий

этилгани, айниқса, қувонарлиқдир. Бошланғич сармояни шакллантириш учун 576,0 млн. сўм, коллеж битирувчилари учун 1272,5 млн. сўм миқдоридa микрокредитлар ажратилгани шунинг самарасидир.

Касб-хўнар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда, айтиш мумкинки, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган "Менинг бизнес гоём" танлови муҳим аҳамият касб этаётир. Чунки ушбу танловда голибликни кўлга киритган битирувчиларнинг бизнес гоёлари имтиёзли шартларда молиялаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Ўзқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 30,9 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган эди. Шу йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 54,4 млрд. сўм миқдоридa кредитлар йўналтирилди. Табиийки, молия муассасасининг бу сармоялари ҳам тадбиркорлик фаолияти ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Мухтасар айтганда, "Ипотека-банк" томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида барча зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда ва бу борадаги ишлар бундан буён ҳам изчил давом эттирилади. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақам таянчига айланишига хизмат қилиши мумкин.

Банк матбуот хизмати.

**«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ**

савдолар залида 2012 йил 3 ва 20 август кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси охири бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйилган объектлар тақроран савдога қўйилганини маълум қилади.

Суд департаментининг Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар, Олмазор (собиқ Собир Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйидаги мулклар тақроран савдога қўйилмоқда:

- «Шохрубек» хусусий фирмасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Фарҳод қўрғонидa жойлашган ишлаб чиқариш цехи биноси, умумий ер майдони — 18276,81 кв.м., қурилиш ости майдони — 4717,90 кв.м.
- «Ал-Азизбек АГТКШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд тумани, Оҳалик қишлоғидa жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳи, умумий ер майдони — 29817,12 кв.м., қурилиш ости майдони — 3268,95 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 307 364 544 сўм.

Манзилимиз: Самарқанд ш., Абу Райхон Беруний к., 196-уй. Тел.: (8-366) 229-03-12, 229-65-88. Мўлжал — Чой қадоклаш фабрикаси қаршида.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Андижон вилояти филиали**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Андижон туманлараро судининг 2011 йил 19 сентябрдаги 1/9691-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Бобур шохқўчаси, 31-«А» уйда жойлашган, «Интеграл Савдо Элит» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 72,0 кв.м., фойдаланиш майдони 192,65 кв.м.дан иборат 10 хонали, 2 қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохқўчаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 16 август кунли соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 14 август кунли соат 18.00.

Манзил: Андижон ш., Алишер Навоий шохқўчаси, 30-уй, 105-хона. Телефон: (8-374) 224-48-53. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖСК-1-55-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Каравайн Холдинг» тизимидaги «Stroygorod» ЕАЖ УМ, «Концерн Карвон Стройгород» МЧЖ, «СЖ Сервис» МЧЖ, «Фаст Фуд» МЧЖ, «Стройгород Медиа» МЧЖ, «Стройгород Икон» МЧЖ, «СЖ Проект Мастер» МЧЖ, «Карвон Сторж» МЧЖ, «СЖ Хизматчи» МЧЖ, «СЖ Хоме Депот» МЧЖ, «СЖ Промстрой Материал» МЧЖ, «Стройгород Экспресс» МЧЖ, «Стройгород Ютук» МЧЖ, «Сарбон экспресс» МЧЖ, «Элите Бизнес» МЧЖларга тегишли мол-мулклар арзонлаштирилиб, мулкни мажмуа сифатида тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 11 815 875 438,5 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль кунли соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш

истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 27 июль кунли соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатидa ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 12 июндаги 11-1224/4591-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ФАРАЗ ЛТД» қўшма корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Р. Назирова кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3523,25 кв.м. бўлган таъмирталаб, каровисиз ҳолда қолган маъмурий бино, 2 та оғирборхона, бостирма, қоровулхонадан иборат кўчмас мулк бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 573 940 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 август кунли соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади

(соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 10 август кунли соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатидa ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

**XALQ BANKI**

Давлат-тижорат Халқ банкининг «Универсал» ютуқли омонати бўйича 2012 йил 10 июль кунли Тошкент шаҳри, Олмазор туманида ўтказилган 5-ютуқлар тиражида ютуқ чиққан ҳисобварақлар

**РЎЙХАТИ**

T/p	Ютуқ миқдори	Худудий филиал	Туман (шаҳар) филиали	Банк муассасаси	Ҳисобварақ рақами
1.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	038-шохобча	УУ-12
2.	200 000	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	032-шохобча	УУ-1
3.	50 000	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	012-шохобча	УУ-5
4.	200 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	022-шохобча	УУ-2
5.	50 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	022-шохобча	УУ-2
6.	100 000	Наманган вилояти	Тахтақўпир филиали	Амалиёт бўлими	УУ-30
7.	50 000	Самарқанд вилояти	Тошбулоқ филиали	013-шохобча	УУ-1
8.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	038-шохобча	УУ-45
9.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	13-махсус касса	УУ-64
10.	200 000	Сирдарё вилояти	Амалиёт бўлими	Амалиёт бўлими	УУ-5
11.	50 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Тахтақўпир филиали	Амалиёт бўлими	УУ-8
12.	100 000	Фарғона вилояти	Бешарик филиали	037-шохобча	УУ-3
13.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	«Мирбозор» минибанки	УУ-162
14.	100 000	Сурхондарё вилояти	Кумкўрғон филиали	«Боболочин» минибанки	УУ-1852
15.	50 000	Сурхондарё вилояти	Мўйноқ филиали	Амалиёт бўлими	УУ-9
16.	100 000	Самарқанд вилояти	Булунгур филиали	014-шохобча	УУ-5
17.	50 000	Сурхондарё вилояти	Олтинсой филиали	015-шохобча	УУ-9
18.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	034-шохобча	УУ-60
19.	50 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзақ филиали	Амалиёт бўлими	УУ-163
20.	50 000	Навоий вилояти	Амалиёт бўлими	Амалиёт бўлими	УУ-26
21.	200 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзақ филиали	Амалиёт бўлими	УУ-183
22.	500 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	Амалиёт бўлими	УУ-34
23.	500 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	028-шохобча	УУ-3
24.	500 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	038-шохобча	УУ-10
25.	500 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	Амалиёт бўлими	УУ-3
26.	100 000	Самарқанд вилояти	Беруний филиали	05-шохобча	УУ-1
27.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	011-шохобча	УУ-32
28.	100 000	Сурхондарё вилояти	Кумкўрғон филиали	«Боболочин» минибанки	УУ-1683
29.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	«Мирбозор» минибанки	УУ-32
30.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	038-шохобча	УУ-83
31.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	035-шохобча	УУ-2
32.	1 000 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	030-шохобча	УУ-2
33.	50 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзақ филиали	Амалиёт бўлими	УУ-137
34.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	038-шохобча	УУ-42
35.	100 000	Бухоро вилояти	Амалиёт бўлими	Амалиёт бўлими	УУ-1
36.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	030-шохобча	УУ-56
37.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	13-махсус касса	УУ-77
38.	200 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	038-шохобча	УУ-15
39.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	«Мирбозор» минибанки	УУ-61
40.	100 000	Самарқанд вилояти	Сиеб филиали	Амалиёт бўлими	УУ-2
41.	50 000	Қўрғонқўрғон вилояти	Кўнғирот филиали	031-шохобча	УУ-3
42.	100 000	Самарқанд вилояти	Самарқанд вилояти	038-шохобча	УУ-14
43.	50 000	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	012-шохобча	УУ-11
44.	50 000	Фарғона вилояти	001-шохобча	Бешарик филиали	УУ-4
45.	200 000	Сурхондарё вилояти	Кумкўрғон филиали	«Боболочин» минибанки	УУ-1924
46.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	Нарпай филиали	УУ-85
47.	100 000	Наманган вилояти	Поп филиали	Амалиёт бўлими	УУ-2
48.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	«Мирбозор» минибанки	УУ-114
49.	200 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзақ филиали	Амалиёт бўлими	УУ-253
50.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	038-шохобча	УУ-4
51.	100 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	028-шохобча	УУ-4
52.	100 000	Самарқанд вилояти	Шуманай филиали	Амалиёт бўлими	УУ-3
53.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	030-шохобча	УУ-67
54.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	025-шохобча	УУ-3
55.	200 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	020-шохобча	УУ-6
56.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	Амалиёт бўлими	УУ-29
57.	100 000	Сирдарё вилояти	Сирдарё филиали	Амалиёт бўлими	УУ-7
58.	500 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	033-шохобча	УУ-39
59.	50 000	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	Амалиёт бўлими	УУ-34
60.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	033-шохобча	УУ-27
61.	100 000	Хоразм вилояти	Гурлан филиали	026-шохобча	УУ-6
62.	100 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	026-шохобча	УУ-9
63.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	038-шохобча	УУ-19
64.	50 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзақ филиали	Амалиёт бўлими	УУ-39
65.	100 000	Сирдарё вилояти	Боевут филиали	Амалиёт бўлими	УУ-2
66.	100 000	Сурхондарё вилояти	Кумкўрғон филиали	06-шохобча	УУ-1101
67.	100 000	Навоий вилояти	Зарафшон филиали	Амалиёт бўлими	УУ-4
68.	50 000	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	05-шохобча	УУ-39
69.	50 000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	17-шохобча	УУ-1
70.	50 000	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	012-шохобча	УУ-12
71.	50 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзақ филиали	Амалиёт бўлими	УУ-245

Ҳайъат раиси — С. Хамидов, Олмазор тумани ҳоқими ўринбосари  
 Масъул котиб — Т. Хуррамов, Давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви Пул муомаласи департаменти Жамғарма ишларини ривожлантириш бўлим бошлиғи

Чет эл капитали иштирокидаги

**«САВДОГАР»** очик акциядорлик тижорат банки

юртимиз аҳолиси даромадларини улар манфаатларига мос равишда ошириш мақсадида миллий валютадаги қўйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

Омонат номи	Муддати
«Ёз саховати»	2 ой
«Келажакка сармоя»	6 ой

Омонат номи	Муддати
«Мустақам оила»	12 ой
«Коммунал тўлов»	камида 6 ой
«Хазина»	6 ой
«Истиқбол»	3 ой
«Кафолат»	6 ой
«Орзу»	12 ой

Бундан ташқари, аҳолига қулай шартлар асосида банкда маъжуд бўлган қўйидаги омонат турлари таклиф этилади:

Омонат номи	Муддати
«Комфорт»	3 ой
«Универсал»	6 ой
«Элит»	12 ой

Ишонгли ва мустақам ҳамкорлик учун — омонатлар «Савдогарбанк»

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби жамоаси махсус ансамбль бўлими бошлиғи Эркин Қаҳҳоровга падаири бузурқовори Олимжон ота ҚАҲҲОРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки жамоаси Фазначиллик бошқармаси бошлиғи Юлдошали Джурраевга падаири бузурқовори ЭРГАШАЛИ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Изланиш

Бугунги кунда пойтахтимиздаги кўп қаватли уйлар, турли иншоотлар, кенг ва раво...

Таъкидлаш жоизки, шахримиз қиёфасини бу қадар гўзаллаштиришда...

Илмий-ишлаб чиқариш муассасаси яқиндан кўмак берди. Жамият томонидан, шунингдек...

қонуний тарзда фойдаланувчи истеъмолчилар ҳам учраб туради. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш...

Кўчалар ёруғ, хонадонлар чароғон

Бериш учун 13,5 километрлик кабелъ ҳамда бошқа техник жиҳозлар харид қилиниб...

Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек, Миробод ва Ҳамза туманларида 41,258 километрлик электр тармоқлари реконструкциядан чиқарилмоқда...

— Ушбу объектнинг ички ва ташқи қисмини ёритиш, яъни уни узулқисм электр энергияси билан таъминлашга аллақачон киришганмиз...

Дарҳақиқат, бугунги ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиш мушкул. Аммо шуниси ачинарлики...

лар татбиқ қилинмоқда. Хусусан, “Фидо-бизнес” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Электрон хисобга олишнинг комплекс дастури” истеъмолчиларга электр энергияси учун тўловларни мобил телефон орқали амалга ошириш ёки ўз хисоблагичи кўрсаткичларини интернетдан текшириб туриш имкониятини беради.

— Ушбу дастур истеъмолчи тўғрисидаги барча маълумотларни таҳлил қилиб, ишлатилган электр энергияси ҳақини автоматик тарзда аниқ хисоблайди, — дейди Р. Ҳасанов. — Шунингдек, у етказиб берилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида йиғиш жараёнига инсон омилинг тасирини камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, электр токидан нотўғри фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш бариберида, таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хўш, мазкур хизмат турига қандай улашиш мумкин? “Электрон хисоб” хизматидан фойдаланишни хоҳлаган истеъмолчи, аввало, “Ўзбекэнерго”



хизмат кўрсатадиган тижорат банкига (пластик картонка ёки депозит хисоб рақамини очган) паспорт ва мобил телефони билан бориши талаб қилинади. Банк ходими санокли дақиқаларда миҳоз ва унинг мобил телефони рақамини тизимга киритиб, махсус электрон рақамли имзо калити билан ҳимояланган дастур-илова (программа) ўрнатади, шунингдек, катсий сир тутилиши лозим бўлган махсус логин ва паролни тақдим этади. Бу — миҳознинг мобил телефони банк пластик картонкасига уланганини билдиради. Шундан кейин истеъмолчи исталган пайтда, ортиқча оворачиликисиз пластик картонкадаги маблағдан мобил телефони орқали тўловларни, шу жумладан, электр энергиясига тўловни амалга ошириши мумкин. Энг муҳими, “Электрон хисоб” хизмати истеъмолчининг электр энергияси тўловини амалга ошириш учун ташкилотга келишига барҳам беради. Демак, бу билан миҳознинг вақти ҳам, маблағи ҳам тежалди. Шу билан бирга, агар истеъмолчининг хисоблагич кўрсаткичлари анчадан буён ёзиб олинмаган бўлса, буни қайд этиш учун инспекторларни, хисоблагичини ечиш, ўрнатиш ёки улаш зарурати туғилган тақдирда, мутахассисларни тезкор чақиртириш имкониятига эга бўлади.

давлат-акциядорлик компаниясининг интернетдаги саҳифасида “шахсий кабинет”га эга бўлиши лозим. Яъни uzbekeuro.uz интернет сайтида “Истеъмолчи” руқни орқали “Юридик ёки жисмоний” бўлимига кириб, шахсий маълумотлар ҳамда уяли телефон рақамини ёзиш киҒоя. Бир неча дақиқадан сўнг телефонингизга “шахсий кабинет”га киришингизни таъминловчи махфий рақам хабари SMS шаклида юборилади. Махфий рақам белгиланган жойга киритилгандан сўнг эса ушбу хизмат орқали тақдим этиладиган хисобдаги жорий баланс, келиб тушган тўлов, хисоб-китоб тарихи тўғрисида маълумотларни назорат қилиб бориш сингари қулайликлардан фойдаланиш мумкин.

Аммо шуну ҳам айтиш жоизки, бунинг учун истеъмолчи “SMS-To’lov” тизимида рўйхатдан ўтган бўлиши керак. “SMS-To’lov” тизими улашиш учун миҳоз ўзига

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Toshkent shahar elektr tarmoqlari” очик акциядорлик жамияти жамоаси бундан буён ҳам пойтахт кўчаларини янада ёруғ ва аҳоли хонадонларини чароғон қилишга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошираверади. Зеро, элга хизмат — олий ҳимматдир. Усмон УСМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

«КО‘СНМАС MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманларо судининг 2012 йил 22 июндаги 9095/13-сонли ва 2012 йил 24 майдаги 6817-18/16-сонли ижро варақаларига асосан хатланган:

1. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Аброр Ҳидоятлов кўчаси, 24-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 42,0 кв.м. бўлган офис ва савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси. Бошланғич нархи — 48 676 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 101-уйдаги умумий фойдаланиш майдони 75,63 кв.м., яшаш майдони 44,05 кв.м. бўлган 3 хонали 36-хонадон. Бошланғич нархи — 33 000 000 сўм.

II. Чилонзор тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманларо судининг 2011 йил 19 мартдаги 1-10404/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 4 қаватли 13-уйнинг 1-қаватига жойлашган, умумий майдони 70,0 кв.м., фойдаланиш майдони 54,07 кв.м. бўлган 2 хонадон билан 2-хонадон нотуражой (хусусий адвокатура). Бошланғич нархи — 78 274 240 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Юридика кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йил 17 август куни сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 2012 йил 7 сентябрь куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «КО‘СНМАС MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога кўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимосида савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда, соат 17.00 да тўхтайтилади.

Мурожаат ўчун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 88-уй, 311-хона. Телефонлари: (8-671) 249-64-69, 249-66-61.

Лицензия: № 0039

«КО‘СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Косон тумани СИБ томонидан, Қашқадарё вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 28 октябрдаги 18-0904/17279-сонли, 2010 йил 8 июлдаги 18-1003/12127-сонли, 2011 йил 4 мартдаги 18-1102/760-сонли, 2011 йил 10 майдаги 18-1105/7909-сонли ва 2011 йил 13 майдаги 18-1105/14089-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Косон тумани, Лолазор маҳалласи, Садриддин Айний кўчасида жойлашган, Косон тумани, «Косон пилла» МЧЖга тегишли, 1976 йилда қурилган, қурилиш ости майдони 1831,31 кв.м.дан иборат бўлган пилла қабул қилиш айвони кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 60 667 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан, ФИБ Шахрисабз туманларо судининг 2012 йил 14 мартдаги 1-992-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани «Макрид» ҚФЙ, Янгибод қишлоғида жойлашган, Китоб тумани «AZIBEK DIYORBEK AMRILLO» XKGA тегишли, 2009 — 2010 йилларда қурилган, умумий майдони 1000,0 кв.м., қурилиш майдони 747,04 кв.м.дан иборат бўлган тўйхона биноси ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари тақроран кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 116 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 2 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога кўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2012 йил 31 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КМХ» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги куйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй. Тел.: (8-375) 225-44-58. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-001

Бу ажиб дунё

Америкалик астрономлар Плутоннинг бешинчи табиий йўлдошини аниқлашга муваффақ бўлди.

Бешинчи ой Гидра каби тўртта ой мавжудлиги кенг оммага маълум қилинган. Айтиш жоизки, Плутон жуда кичкина бўлгани учун 2008 йилда Халқаро астрономия иттифоқи томонидан сайёралар сафидан чиқарилган. Ушбу самовий жисм “Хаббл” телескопи ёрдамида топилди ва унга вақтинчалик “S/2012” номи берилди. 1978 — 2011 йиллар ораллиғида Плутон атрофида Харон, Никс,

Узук ва қўлғезма

Буюк британиялик таниқли ёзувчи Жейн Остинга тегишли узук “Sotheby’s” кимосида савдосида 152,450 минг фунт стерлинга сотилди.

Феруза кўзи олтин тақинқони ўзиники қилиш учун саккиз киши кураш олиб борди. Ниҳоят, у исми-шарифи ошкор этилмаган хусусий коллекционер томонидан харид қилинди. Айтилишича, ушбу қимматбаҳо заргарлик буюми кутилганидан беш баравар қиммат нархга баҳоланган. Инглиз ижодкори ўзининг бир чот асарлари билан ўқувчилар меҳрини қозонган. Айтилишича, унинг чоп этилмаган романи қўлғезмаси ўша аукционда 1,6 миллион АҚШ долларига сотилган.

Икки соатлик миллионер

Швециянинг Остерсунд шаҳрида яшовчи 50 йшли Андерс Лоберг исмли фуқаро бир зумда миллионерга айланиб, икки соат ичида яна аввалги ҳолатига қайтди.

“Expressen” нашрида ёзилишича, Андерс савдо дўконидан рўзгор учун зарур маҳсулотларни харид қилишдан аввал қанча пули борлигини текшириб қўрмоқчи бўлади. Банкомат орқали шахсий хисоб рақамини очгач, хайратдан ёқасини ушлади. Чунки электрон табло унинг 724 миллион евро миқдорда маблағи мавжудлигини кўрсатиб турарди. Ажабо, бу пуллар қаердан келди? Ушбу савол жавоби янги миллионер учун ҳам қизиқ эди. Орадан икки соат ўтиб, масалага ойдинлик киритилди. “Swedbank” (Андерс шу банк миҳози) вакилининг сўзларига кўра, бу молия операциялари чоғида йўл қўйилган хато оқибатидир. Хуллас, Андерс Лобергнинг миллионерлиги узоққа чўзилмади. У шу икки соат ичида кўпдан-кўп режалар тузганини, жумладан, яхта сотиб олиб, Қариб денгизи бўйлаб саёҳатга чиқишни ният қилганини ҳам очик-ойдин айтиб кўя қолди...

Йўлдаёқ қувватлантирилади

Шу боис ҳам кўпчилик ҳали-ҳануз аънавий автоуловлар хизматидан фойдаланишни маълум кўрмоқда. Бу масала ечими юзасидан тадқиқот олиб бораётган Япониянинг Тойохаши технологиялар университети олимлари антика усулини жорий этиш ниятидалар. Уларнинг лойиҳаси бўйича агар асфальт остига электр татбиқ этса бўларкан, деган тўхтама қелишган.



лаштирилса, автомобиль ҳаракат чоғидаёқ қувват олиб, исталган масофага бориши мумкин бўлади. Лекин буну амалда қўллаш бўйича ҳали яқуний хулоса ишлаб чиқилмаган. Гап шундаки, мутахассислар лаборатория шартларида электр оқими 10 сантиметр қалинликдаги бетондан ўтказишга муваффақ бўлганларидан сўнг кўйоридаги лойиҳани татбиқ этса бўларкан, деган тўхтама қелишган.

Advertisement for UZTELECOM «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» FILIALI. Includes a list of services and prices: «101» (ёнғин хавфсизлиги хизмати) «102» (милиция) «103» (тез ёрдам) «104» (газ хизмати) «1050» (қутқарув хизмати) «10хх» (бошқа хизматлар). Contact: 200-31-31 ёки 1064 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

Advertisement for Fito Semillas. Text: Сара уруғ — юқори ҳосил гарови Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан тақрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади. Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган. Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.

Weather forecast table for various regions: OB-XAVO (14 июль), Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида (+19 +24 +35 +40), Бухоро ва Навоий вилоятларида (+19 +24 +34 +39), Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида (+19 +24 +33 +38), Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида (+19 +24 +35 +40), Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида (+18 +23 +32 +37), Тошкент шаҳрида (+17 +19 +34 +36).

Advertisement for MUASSISLAR: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси.

Advertisement for Boш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилган, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Ўзълонлар 232-11-15.

Advertisement for «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.40 Топширилди — 22.30

Advertisement for MANZILIMIZ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Ф. Аблов. Мусоҳаҳ — Ҳ. Топшўжаев.